



## **ЕВРОПАДА АДАБИЁТГА ОИД ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА СИНТЕЗИ ТАЖРИБАСИДАН**

**Хажиева Феруза Мэлсовна, PhD**  
Бухоро давлат университети

# Ҳамкорлик доираси

Бухоро давлат университети ва  
Пиза университети ҳамкорлигига  
амалга оширилган Erasmus+2015-  
**1-IT02-KA107-014705 International  
Credit Mobility (Халқаро Кредит  
Мобиллик)** лойиҳаси доирасида  
Италиянинг Пиза университетида  
24.03.16 дан 14.06.16 гача  
**“Биографик роман жанри  
хусусиятлари”** мавзуида олиб  
борилган филология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)  
тадқиқот ишини амалга  
oshiрилди.



# Илмий маслаҳатчи

- Тадқиқот иши мазкур университетлар келишуви асосида тайинланган илмий маслаҳатчи – Пиза университети профессори, филология соҳаси етакчи мутахассиси Сержиро Затти раҳбарлигига олиб борилди.

Prof, Sergio Zatti  
and  
Feruza Khajieva



# Илмий изланишлар...

- Пиза университети **Филология факультети Англистика бўлимига** қарашли бўлган ахборот ресурс маркази ҳамда Европанинг нуфузли кутубхоналаридан саналган **Scuola Normale Superiore** кутубхонасида мавжуд бўлган илмий китоблар ва электрон манбалардан фойдаланган ҳолда библиографик тадқиқот олиб борилди. Шунингдек, мавзуга тегишли адабиётларда келтирилган илмий ва назарий қарашлар ўрганилиб, диссертациянинг назарий асоси бойитилди, ҳамда библиографик рўйхат шакллантирилди.



# Тадқиқот натижасида ўзбек адабиётшунослигида куйидаги янги ғоялар илгари сурйилди:


- Америка, Европа ва ўзбек тилидаги биографик романларда тарихий ҳақиқатни бадиий ифода этиш, асарларда инсон руҳиятини акс эттирадиган поэтик воситаларни қиёслаш орқали жанрнинг ҳужжатлилик ва бадиийликни бириктира олиши, дуалистик ҳамда синтетик хусусияти асосланиб берилди.
- Биографик романларда хронотоп, эпистоляр техника, концентрик ва хроникал сюжет, архитектоника, бадиий ғоя ва мавзууни ёритиш орқали жанрнинг бадиийлик тамойиллари концепцияси исботланди.
- Синхрон аспектда ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида биографик роман жанри намуналари контекстуал тарзда қиёсланилиши натижасида адабий жараёндаги биографик асарларда муштарак тарихий шахслар образлари ва романлар композициясидаги динамик ҳамда тематик фарқли жиҳатлари далилланди.
- Биографик романлардаги инсонпарварлик ва фидоийлик ғоялари, сюжетларидаги эпизодлар, инсон табиати тасвирининг муштарак томонлари, шунингдек, муаллиф образи ва баёнидаги фарқли услубий жиҳатлар аниқланди.
- Биографик асарларнинг генетик илдизларини – жаҳон адабиётида агиография, ҳаётнома, биографик луғат, биографик портрет ва ўзбек адабиётида ҳолот, қисса, маноқиб, достон сингари жанрлар ташкил этиши асослаб берилди.

## Тадқиқотнинг жорийланиши

- 1. биографик романнинг дуалистик ва синтетик табиати, поэтикаси, ғоявий-композицион қурилиши, образлар таркиби ва генезисига оид назарий холосалардан Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилди. Натижада биографик романларнинг бадиий тараққиёт тамоиллари, бадиияти, ижодкор маҳорати, ўзида тарихий-биографик ҳақиқатни, ҳужжатлиликни ва психологизмларни қай даражада акс эттириши каби бир қатор мұхим масалаларни ёритилишига асос бўлди.

# Тадқиқотнинг жорийланиши

2. Абу Али ибн Сино илмий биографиясининг бадиий талқини, асар қаҳрамонининг образли тасвири, ички олами, илмий меросининг биографик романда қайта яратилиш тамойилларига оид хулосалардан Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси фаолиятида фойдаланилди. Натижада **«Афшона. Абу Али ибн Сино музейига саёҳат»** номли рисоласи нашрга тайёрланди, мемориал музейи экспозицияси орқали Абу Али ибн Сино биографияси ва адабиётдаги сиймоси ҳақида омма орасида ташвиқот ишларини самарали ташкил этишга хизмат қилди.



## Тадқиқотнинг жорийланиши

- Биографик романлардаги бадиий хронотопнинг рассомлар картинаси асосида асарларда вербал воқеланиши билан боғлиқ хуросалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ижод устахонаси» номли туркум телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилди. Н. Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» ва И. Стоуннинг «Ҳаёт иштиёқи» романларининг ўзига хос жиҳатлари, асарларда қўлланилган картинани сўз орқали ифодалаш, романда замон ва макон категорияларини яратиш бадиий техникаси каби масалалар бўйича телетомошибинларнинг маълумоти ва дунёқараши кенгайишига асос бўлди.

# Ҳимоя

- Пиза университети Хорижий филология факультетида олиб борилган тадқиқот натижасида унумли, инновацион ғояларга асосланган хулосаларга эришилди. Шунингдек, диссертация **Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети** ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc.27.06.2017.Fil.21.01** рақамли Илмий кенгашнинг **2018 йил 20 июндаги** мажлисида ҳимоя қилинди.



**Эътиборларингиз учун раҳмат!**